

УЎТ: 631.5.,635.19.

**ҲЎРАКИ НЎХАТНИ РАКОБАТЛИ НАВ СИНАШ КЎЧАТЗОРЛАРИДАГИ
ЎСИМЛИКЛАРНИНГ АСОСИЙ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т.А. Рахимов

қ.х.ф.ф.д., к.и. Лаборатория мудири

З.Л.Яқубов

Zokirov Zoxidjon Zafarjon o'g'li

Tayanch doktorant

Don va Dukkakli ekinlar ilmiy-tadqiqot instituti

Email: zokirovzohid@gmail.com

Аннотация: Мақолада ҳўраки нўхат ўсимлигининг ракобатли нав синаш кўчатзоридаги нав ва линияларининг натижалари асосида асосий поясининг баландлиги, ўсимликлар поясини ўсиш динамикаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Аннотация: В статье приведены сведения о высоте главного стебля, массе 1000 зерен, числе стручков, количестве зерен в стручках и показателях урожайности по результатам сортов и линий первого сортоиспытания сеянцев бобовых культур.

Annotation: The article provides information about the height of the main stem, the weight of 1000 grains, the number of pods, the number of grains in pods and yield indicators based on the results of varieties and lines of the first variety testing of seedlings of legumes..

Калит сўзлар: Ўсимлик, поя, баландлик, нўхат, нав, вариант, қайтариқ, дуккак, дон,, ҳосилдорлик.

Ключевые слова: растение, стебель, высота, горох, сорт, вариант, отдача, боб, зерно, урожайность.

Key words: plant, stem, height, pea, variety, variant, return, bean, grain, yield.

КИРИШ

Республикада аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш борасида аграр соҳадаги ислоҳатларни янада чуқурлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг самарали тизимини яратиш долзарб муоммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда дунёнинг турли йирик илмий-тадқиқот марказларида нўхатнинг экстремал шароитларга чидамли навларини яратиш, яратилган навларнинг морфобиологик хусусиятларини ўрганиш, уларнинг озиқавийлик қийматини ошириш, ҳосилининг шаклланиши, экинбоплик сифатларининг етиштириш усулларида боғлиқлигини аниқлаш, етиштириш технологияси элементларини

такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, уларнинг тупроқни биологик азот билан бойитиши эвазига унумдорлигини ошириш, органик ва минерал ўғитларни тежашга имкон бериши, ушбу муаммоларни ҳал этишда экиннинг биологик хусусиятлари, навларнинг ҳудудни гидротермик омилларига реакцияси ва фотосинтетик фаолиятига боғлиқ тадқиқотларни чуқурлаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш...» ва бошқа вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда турли экологик шароитларга мос нўхат навларини танлаш, уларни етиштириш технологиясини нав хусусиятлари асосида мувофиқлаштириш муҳим ҳисобланади. Экиш муддати, айниқса кузда экиш муддати ва чуқурликларини тўғри танлаш орқали ўсимликнинг қишга чидамлилигини ошириш, улардан юқори ва сифатли дон ҳосилига эришиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Дуккакли дон экинлар дон, озуқа, ем-хашак, техник экинлар мақсадида фойдаланилади. Дуккакли дон экинлари деҳқончиликда учта асосий вазифани; ўсимлик оқсил масаласини, дон етиштиришни кўпайтириш ва тупроқ унумдорлигини оширишни ҳал этишга ёрдам беради.

Тажрибалар ўтказиш объекти, предмети ва услублари. тажриба ишлари 2023 йил давомида Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг Марказий тажриба хўжалиги даласида ўтказилди. Асосий лаборатория таҳлиллари институтнинг «Дуккакли экинлар селекцияси уруғчилиги ва агротехникаси» лабораториясида олиб борилди. Тажрибалар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришда Тупроқнинг агрохимёвий таҳлил қилишда «Методы агрохимических анализов почв и растений» (Ташкент, 5-изд. 1977), фенологик кузатишлар “Ўсимликшунослик” илмий тадқиқот институтининг (ВИР) услубий қўлланмаларидан (М.1977) фойдаланилди.

Институтнинг Марказий тажриба даласида 2023 йилда қуйидаги тизимда дала тажрибалари амалга оширилди. Ракобатли нав синаш (РНС) кўчатзорида 2023 йил учун хўраки нўхатнинг 13 та нав ва линиялари жойлаштирилиб, ҳар бир нав ва линияларни 4 қайтариқда икки ярусда тажрибалар жойлаштирилди.

Тажрибаларда st (андоза) сифатида республикамизда районлашган маҳаллий “Маржон” ва “Зумрад” навларидан фойдаланилди.

Ўсимликларнинг асосий поясини ўсиш ривожланиши ҳаво ҳарорати ўртача 14-16 0с дан кўтарила бошлаганда сезиларлик даражада ривожлана бошлайди. Нўхат ўсимликларнинг асосий поясини баландлиги ва унинг шакли (штамбалиги) қатор орасига ишлов беришни осонлаштиради, ўсимликларга зарар етмайди, айниқса дон пишиб етилгандан кейин уни комбайнларда йиғиб олишга тўла имконият яратилади.

Хўраки нўхатни ўсиш ривожланиши феврал ойининг иккинчи, учинчи декадаларидан бошлаб ўсимликларнинг тўла униб чиқиши, якунланди. Хўраки нўхат ўсимликларининг илдизларида азот тўпловчи туганаклар шаклланишини яъний март ойининг бошидан бошланиб натижада ўсимликлар илдизларида табиий равишда шаклланадиган туганакларни шаклланиш, ривожланиш ва ҳар бир тупдаги туганакларни хисоблаш, кузатиш имкониятига эга бўлинади.

2023 йилда Рақобатли нав синаш кўчатзорида хўраки нўхатнинг нав ва линияларини ўсиш ривожланиши кузатилганда FLIP 08-06C, FLIP 97-155C, FLIP 95-74C, FLIP 08-13C, FLIP 74-74C линияларининг шоналаш босқичида асосий поясини баландлиги 31,5-32,8 см ни ташкил қилиб, андоза навга ва линиялардан кўра ўртача 4,2-10,0 смгача баландроқ эканлиги кузатилди. Хўраки нўхат ўсимликларининг тўла гуллаш фазасида асосий поясининг баландлиги ҳамда биринчи дуккак ўрнини баландлиги ўрганилганда FLIP 74-74C линияда асосий поя баландлиги 43,9 смни, биринчи дуккак ўрни эса 20,6 см, FLIP 08-13C линияда асосий поя баландлиги 44,1 смни, биринчи дуккак ўрни эса 20,3 см, FLIP 95-74C линияда асосий поя баландлиги 44,4 смни, биринчи дуккак ўрни 20,8 см FLIP 08-06C линияда асосий поя баландлиги 47,4 смни, биринчи дуккак ўрни 19,9 смни ташкил этган бўлса, тўла дуккаклаш фазасида FLIP 74-74C линияда асосий поя баландлиги 59,9 см ни, биринчи дуккак ўрни эса 23,1 см, FLIP 08-13C линияда асосий поя баландлиги 58,1 смни, биринчи дуккак ўрни эса 23,1 см, FLIP 98-50C линияда асосий поя баландлиги 58,2 смни, биринчи дуккак ўрни 21,9 см ва FLIP 95-74C линияда асосий поя баландлиги 60,3 см ни, биринчи дуккак ўрни 24,4 см ни ташкил этди.

Хўраки нўхатни рақобатли нав синаш кўчатзоридаги ўсимликлар поясини ўсиш динамикаси. 2023 йил.

№	Нав ва линиялар номи	Асосий пояни баладлиги ва дастлабки дуккакни жойлашиш баладлиги ўртача см.						
		Шодалаш асосий поя баладлиги. см	Тўла гуллаганда		Тўла дуккаклаганда		Тўла пишганда	
			Поя, см	Биринчи дуккак ўрни, см	Поя, см	Биринчи дуккак ўрни, см	Поя, см	Биринчи дуккак ўрни, см
1	FLIP 08-06 C	29,5	47,4	19,9	60,3	24,4	76,2	30,0
2	FLIP 95-74 C	31,9	44,4	20,8	58,2	23,4	74,9	26,9
3	FLIP 06-157 C	25,4	33,1	19,5	56,1	21,9	68,4	25,4
4	FLIP 07-77 C	23,1	36,2	17,1	52,9	21,8	67,8	25,0
5	Маржон Ст	22,9	38,7	20,5	53,3	20,8	68,2	24,3
6	FLIP 08-14 C	25,3	39,7	19,8	55,4	21,6	70,6	25,8
7	FLIP 74-74 C	32,8	43,9	20,6	59,9	23,1	73,9	26,3
8	FLIP 06-160 C	21,5	36,9	19,3	50,9	21,9	64,9	24,9
9	FLIP 82-150 C	22,9	37,1	19,0	52,1	23,0	71,2	25,2
10	Зумрад Ст	22,8	35,6	17,3	50,3	22,1	67,7	27,0
11	FLIP 07-76 C	25,6	39,3	19,1	53,6	22,2	69,9	25,8
12	FLIP 08-13 C	32,3	45,1	20,3	58,1	23,1	75,7	26,2
13	FLIP 97-155 C	22,3	37,1	19,4	52,8	22,2	69,8	25,9

Xulosa; Tajriba kўchatzoridagi xўraки nўxatни FLIP 74-74C, FLIP 08-13C, FLIP 95-74C, FLIP 08-06C линияларини асосий пояларини баланлиги андозадаги Зумрад навига нисбатан 1,0-3,3 смгача баландлиги олиб борилган кузатишлар натижасида аниқланди. Рақобатли нав синаш кўчатзорларидаги хўраки нўхатнинг нав ва линияларини ҳосилни йиғиб олишдан олдин олиб борилган ҳисоблаш ва кузатишлар натижасида FLIP 74-74C, FLIP 95-74C, FLIP 08-13C, FLIP 08-06C линияларида ўртача асосий поя баландлиги 73,9-76,2 смни ташкил этган бўлса, дастлабки дуккакни ердан баландлиги эса линиялар бўйича ўртача 26,2-30,0 см ни ташкил этганлиги кузатилди.

МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Посыпанов Г.С. “Растениеводства”. Раздел Зернобобых культур. Москва. 2006 г.
2. Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. М. 1989 г.
3. Б.А. Доспехов. Методика полевых опытов. М. 1985 г.
4. Раҳманов Ж.Х. Нўхат касалликларига қарши кураш. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент. 2010. - №7. – 23 б.
5. Хасанов Б.А. Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари – Тошкент, 2011- 205 б.

6. Р.Мўминова Р., Нуралиев Х., Саидов И., Мамасалиев М. Нўхатнинг асосий замбуруғ касалликлари (Тошкент вилояти шароитида). // AGROILM. –Тошкент. 2015. - №1(33). - 46-47 б.

7. Шералиев А., Раҳимов У. Фитопатология.Тошкент, 2005 - 208 б.

8. Ортиқбоев П., Раҳманов Ж., Нўхат илдиз чириши ва фузариоз касалликларига уруғ дорилагичларининг таъсири. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент. 2005. - №11. – 28 б.

9. Исаков К.Т., Умўрзаков А.А., Ҳайдаров Б.Д. Дуккакли дон ва емхашак экинлари биологияси ҳамда етиштириш агротехнологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент-2017.-36

10. Хўжаев Ш., Саъдуллаев А., Пўлатов З. Ғўза зараркунандалари – ҳосил офати. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент. 2012. - №7. – 4 б

11. Холлиев А. Кўсак қуртининг нўхатга зарар келтириш даражаси. // AGROILM. – Тошкент. 2016. -№3 (41). 54- 55 б.

12. Хўжаев Ш.Т., Саттаров Н. Ғўза тунлами: Ҳаёт кечириши, зарари ва унга қарши курашнинг замонавий кўриниши. Тошкент. 2012 й. 14 б.

13. Омелянюк Л.В. Продуктивность образцов зернобобовых культур, созданных в ГНУ СибНИИСХ, в зависимости от погодных условий вегетационного периода // Достижения науки и техники АПК, 2013. - №5.- С.17-20.

14. . Ҳамдамов И., Мустонов С., Бобомуродов З. Суғориладиган ерларда нўхат етиштиришнинг илмий асослари. Монография. Тошкент-2007. - 106 б.

15. Хўжаев Ш., Саъдуллаев А., Пўлатов З. Ғўзани зараркунандалардан ҳимоя қилиш мўл ҳосил гаровидир. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент. 2010. - №7. – 8 б.

16. Балашов В.В. Нут в Нижнем Поволжье Монография. Волгоград: ИПК ВГСХА Нива, 2009.– С. 192 .

17. Миршарипова Г. Сирдарё вилояти шароитида экиш муддатининг нўхат навлари ҳосилдорлигига таъсири. // AGROILM. –Тошкент. 2014. -№4 (32). 21-22-б.

18. Посыпанов Г. С., Долгодворов В.Е. Растениеводство. – М.: Колос. 2006. – 113 с.

Раҳманов Ж.Х. Нўхат касалликларига қарши кураш. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент. 2010. - №7. – 23 б.

Хасанов Б.А. Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари – Тошкент, 2011- 205 б.

Р.Мўминова Р., Нуралиев Х., Саидов И., Мамасалиев М. Нўхатнинг асосий замбуруғ касалликлари (Тошкент вилояти шароитида). // AGROILM. –Тошкент. 2015. - №1(33). - 46-47 б.

Шералиев А., Раҳимов У. Фитопатология.Тошкент, 2005 - 208 б.

Ортиқбоев П., Раҳманов Ж., Нўхат илдиз чириши ва фузариоз касалликларига уруғ дорилагичларининг таъсири. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент. 2005. - №11. – 28 б.

Исаков К.Т., Умурзаков А.А., Ҳайдаров Б.Д. Дуккакли дон ва емхашак экинлари биологияси ҳамда етиштириш агротехнологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент-2017.-36

Хўжаев Ш., Саъдуллаев А., Пўлатов З. Ғўза зараркунандалари – ҳосил офати. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент. 2012. - №7. – 4 б

Холлиев А. Кўсак қуртининг нўхатга зарар келтириш даражаси. // AGROILM. – Тошкент. 2016. -№3 (41). 54- 55 б.

Хўжаев Ш.Т., Саттаров Н. Ғўза тунлами: Ҳаёт кечириши, зарари ва унга қарши курашнинг замонавий кўриниши. Тошкент. 2012 й. 14 б.

Омельянюк Л.В. Продуктивность образцов зернобобовых культур, созданных в ГНУ СибНИИСХ, в зависимости от погодных условий вегетационного периода // Достижения науки и техники АПК, 2013. - №5.- С.17-20.